**№ 173 - а/20**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**
**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШ**
**БОШ БОШҚАРМАСИ**

# Архитектура режалаштириш топшириғи

(жойлаштириш ва муҳандислик тармокларини лойиҳалаштириш учун)

## I- II-қисм

**Объект номи:** Дўконлар, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари

**Объектнинг жойлашув манзили:** Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани, Дўстобод шахри, Шодлик МФЙ ҳудудида.

**Объект эгаси (буюртмачи):** Танлов ғолиби
**№ B1727233-07030**
**Кадастр рақами 11:06:10:01:05:0795**

**Тошкент вилояти 2020 йил**

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Тошкент вилояти Қурилиш бош
бошқармаси бошлиғи
Э.Пўлатов

20___й. ____________

**АРХИТЕКТУРА-РЕЖАЛАШТИРИШ ТОПШИРИҒИ**

20 20 йил «28» апрел 173-а/20 сон

| | |
|---|---|
| Лойиҳавий бино (иншоот) тури: | Дўконлар, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари |
| Лойиҳавий бино (иншоот)нинг манзили: | Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани, Дўстобод шахри, Шодлик МФЙ ҳудудида. |
| Лойиҳавий бино (иншоот)нинг буюртмачиси: | Танлов ғолиби |

**«КЕЛИШИЛДИ»:**
Бош бошқарма бошлиғининг ўринбосари
— бош архитектор
_____________А.Чоршанбиев

Аҳоли пунктлари шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб
чиқиш ва амалга ошириш бўлими бошлиғи
______________Б.Сарбоев

Ушбу архитектура-режалаштириш топшириғи фақат лойиҳалаштириш ишларини амалга ошириш учун ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланиб, қурилиш-монтаж ишларини бошлашга асос бўла олмайди.

| Архитектура-режалаштириш топшириқларининг қисмлари | Қисмларнинг мазмуни |
|---|---|
| Архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш учун асос бўлган ҳужжатлар | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги “Тадбиркорлик ва шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун бўш турган ер учаткаларини бериш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1023-сонли қарорига асосан |
| Лойиҳалаштириладиган бино ва иншоот (кейинги ўринларда объект деб аталади) ер участкасининг жойлашиши ва бош режада тутган ўрни | а) объектнинг расмий манзили (расмий манзили бўлмаган ҳолатда объект ҳудудига туташган ёки яқин масофада жойлашган бино ёки иншоот) Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани, Дўстобод шахри, Шодлик МФЙ ҳудудида.<br>б) объект жойлашган ҳудуд қайси зонага мансублиги (аҳоли пунктининг ҳаракатдаги ёки аввалги бош режасига асосан) аҳоли пунктининг ҳаракатдаги;<br>в) объект жойлашган ҳудуд муҳандислик тармоқлари билан таъминланганлиги / таъминланмаганлиги _таъминланган. |
| Лойиҳалаштириладиган объект ҳудудининг табиий-иқлим кўрсаткичлари | Лойиҳалаштирилаётган объектнинг ер участкаси 21,1 С иқлим (климат) ҳудудида жойлашган.<br>Ҳаво ҳарорати:<br>ўртача йиллик 21,1 С<br>энг баланд ҳарорат 45 С<br>энг паст ҳарорат 20 С<br>Июнь — август ойларида 45 С<br>Декабрь — февраль ойларида 20 С<br>Объект қурилишини лойиҳалаштириш жараёнида эрозия (емирилиш), селдан сақлаш, сув ва шамол эрозиясидан сақлаш тадбирлари белгилансин. |
| Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасининг геологик ва топографик жиҳатдан ўрганилганлиги | Ҳолатни ўрганиш учун тегишли рухсатномага эга бўлган ташкилотга 1:500 нисбатдаги топохарита ишлаб чиқиш учун буюртма берилсин. |
| «Қизил чизиқлар ва белгилар» | Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасининг тасдиқланган чегарасидан чиқмасдан, қурилиш чизиқларига амал қилган холда лойиҳа ишларини олиб борилиши таъминлансин. |
| Архитектура талаблари | Лойиҳани ишлаб чиқишда:<br>а) ҳаракатдаги шаҳарсозлик меъёр ва қоидаларга амал қилинсин;<br>б) аҳоли пунктининг тасдиқланган бош режасига ва |

| | |
|---|---|
| | унинг тегишли қисмининг батафсил режалаштириш лойиҳасига қатъий риоя этиб, объект атрофидаги мавжуд биноларга боғланган ҳолда ягона архитектура кўриниши (ансамбли) ташкил этиш лозимлиги инобатга олинсин;<br>в) объектни реконструкция қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқишни бошлашдан олдин айрим ҳолатларда (буюртмачининг талабига биноан ёки ташқи кўринишидан авария ҳолатининг аломатлари мавжуд бўлганда) тегишли лицензияга эга бўлган лойиҳа ва бошқа ташкилотларнинг объектнинг ҳолати (конструкцияларнинг чидамлилик) бўйича хулосаси олинсин;<br>г) ушбу архитектура-режалаштириш топшириғига мувофиқ буюртмачи томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ҳамда алоҳида муҳим объектлар бўйича вилоят Қурилиш бош бошқармаси билан келишилган лойиҳа топшириқларига ҳамда 1:500 нисбатдаги топохаритадаги тасдиқланган чегараларига амал қилинсин;<br>д) объектнинг 1:500 нисбатдаги бош режасини лойиҳалаштиришда лойиҳа ташкилоти томонидан қайта ихтисослаштирилаётган ва реконструкция қилинаётган бино туширилган ҳамда объект атрофида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари акс эттирилган, объектга кириш-чиқиш йўллари ва автомобиллар тўхташ жойлари ташкил этилиши назарда тутилсин;<br>е) объектнинг баландлиги _____ қаватдан кам бўлмасин ёки _____ қаватдан ошмасин (ушбу кичик банд фақат аҳоли пунктининг бош режаси ва унинг қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳалари ҳамда қуриш лойиҳалари мавжуд ҳолларда тўлдирилади);<br>ж) объектда қуйидаги кичик архитектура шакллари ўрнатилиши назарда тутилсин:<br>______________________________________________<br>_<br>______________________________________________<br>____ |
| Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасида мавжуд бино ва иншоотларни бузиш ёки фойдаланиш бўйича таклифлар | Лойиҳачининг лойиҳа топшириғига мувофиқ:<br>а) қурилиш учун ажратилган ер участкасида бузилишга тушадиган бино ва иншоотларга аниқлик киритилсин;<br>б) қурилиш учун ажратилган ер участкасида мавжуд бино ва иншоотлардан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилсин. |
| Объектни босқичма-босқич қуриш | Қурилишнинг мураккаблигига ва буюртмачи томонидан бериладиган лойиҳа топшириғига мувофиқ қурилишни |

| | |
|---|---|
| | босқичма-босқич олиб бориш ва фойдаланишга топшириш жараёнлари назарда тутилиши мумкин. |
| Ер майдонини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш | Лойиҳанинг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш қисмида қуйидагилар:<br>а) объектда игна баргли, манзарали ва бошқа дарахтлар ҳамда буталар ва гуллар экилиши;<br>б) кўкаламзорлаштириш ҳудудларининг газон ўтлари билан қопланиши;<br>в) ландшафт архитектурасининг ечимларидан фойдаланган ҳолда дарахтларнинг қандай шаклларда бўлиши инобатга олинсин. |
| Санитария-гигиена талаблари | Лойиҳалаштиришда санитария-гигиена талабларига риоя этилсин.<br>Лойиҳалаштириш жараёнида қурилиш материаллари турларини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақиқланмаган ва санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган қурилиш материалларидан фойдаланилиши шартлиги кўзда тутилсин.<br>Объект қурилиши учун танланган ер майдонидан оқиб ўтувчи канал ёки ариқ мавжуд бўлган тақдирда, лойиҳадаги сув йўналиши ҳамда сувнинг муҳофаза этиш масофаларини сақлаш ва қирғоқларни ободонлаштириш ва мустаҳкамлаш ишлари лойиҳалаштириш жараёнида инобатга олинсин. |
| Ёнғиндан сақланиш талаблари | Ёнғиндан сақланиш талаблари ШНК 2.02.01-04 шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига асосан лойиҳалаштирилсин. |
| Экология талаблари | Лойиҳалаштиришда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш меъёрларига амал қилинсин. |
| Лойиҳани келишиш | Лойиҳа архитектура-режалаштириш топшириғига мувофиқлигига Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки давлат хизматлари маркази орқали қуйидагилар билан келишилсин:<br>вилоят Қурилиш бош бошқармаси ҳузуридаги ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан — тарихий зоналарда, шу жумладан маданий ёдгорликларнинг қўриқлаш зоналарида қуриладиган объектларнинг ҳамда давлат объектларининг лойиҳалари;<br>бевосита вилоят Қурилиш бош бошқармаси билан — бошқа объектларнинг лойиҳалари.<br>Келишиш учун электрон шаклда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилсин:<br>1) лойиҳанинг архитектурага оид қисми (тушунтириш хати (тушунтириш хатида лойиҳа-смета ҳужжатида ёнғин |

| | |
|---|---|
| | хавфсизлигига, санитария-эпидемиология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этиш бўйича ва бошқа йўналишларда бажарилган ишлар акс эттирилади));<br>2) бино ва иншоотнинг фасадлари, қаватлар режалари, қурилиш объектининг бош режаси. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳа ишлари ва инвестиция лойиҳаларини такомиллаштириш учун қўшимча чоралар ҳақида» 2016 йил 22 январдаги 15-сон қарорига 2-иловада (Мураккаблик тоифаси бўйича объектлар классификацияси) келтирилган III тоифаларга мансуб объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини бевосита ўзлари санитария-эпидемиология ва ёнғинга қарши назорат хизматлари ҳамда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари билан келишадилар;<br>қурилиш ҳажми 300 куб метрдан ортиқ бўлмаган объектларни бевосита ўзлари туман (шаҳар) қурилиш бўлимлари билан келишадилар. |
| Қўшимча талаблар | Лойиҳа ташкилоти лойиҳани келиши давомида вилоят Қурилиш бош бошқармаси ёки унинг ҳузуридаги ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгаши томонидан берилган тавсиялар ва экспертиза хулосасида кўрсатилган камчиликларни бартараф этади.<br>Буюртмачи ўз хоҳишига кўра қурилиш ишлари тугагандан сўнг объект ҳудуднинг ижро топотасвирини (ер ости ва ер усти муҳандислик коммуникациялари акс эттирилган ҳолда) бажарилишини таъминлайди ва унинг бир нусхасини вилоят Қурилиш бош бошқармасига топширади.<br>Лойиҳани ишлаб чиқишда зилзилага бардошлик талаблари инобатга олинсин. |
| **Муҳандислик тармоқларига уланиш шартлари:** | |
| Ичимлик сув тармоғи | Қуйичирчиқ тумани Сувоқова филиалининг 03.04.2020 йилдаги 70-сонли хулосаси ва техник шарт олиш шарти билан |
| Оқава сув тармоғи (канализация) | Қуйичирчиқ тумани Сувоқова филиалининг 03.04.2020 йилдаги 70-сонли хулосаси ва техник шарт олиш шарти билан |
| Электр тармоғи | Тошкент худудий электр тармоқлари корхонасининг техник хулосаси ва техник шарт олиш шарти билан |
| Газ тармоғи | Худудгаз Тошкент МЧЖнинг 02.04.2020 йилдаги 247-сонли техник шарти талабларига асосан. |
| Телефон алоқа тармоғи | Тошкент телеком филиалининг 11.04.2020 йилдаги 48-38- |

| | |
|---|---|
| Иссиқлик ва иссиқ сув тармоғи | |
| Дренаж тармоғи | |
| Объектни муҳандислик тармоқларига уланиш бўйича буюртмачига ва лойиҳа ташкилотига қўйилаётган талаблар | Объектларни муҳандислик тармоқларига уланиш тартиб-таомилларни белгиловчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига риоя этилиши таъминлансин.<br>Объектга уланадиган ер ости ва ер усти муҳандислик коммуникациялари унга чегарадош ўзга ер участкаларидан ўтказиладиган ҳолатларда муҳандислик коммуникацияларининг трассалари ушбу ер участкалари эгалари билан келишилсин.<br>Объектга тегишли ер участкаси ҳудудидан ўтган ер ости ва ер усти муҳандислик коммуникациялари кўчирилиши (зарурат бўлганда) лойиҳада инобатга олинсин.<br>Объектга уланадиган ер ости муҳандислик коммуникацияларини ётқизишда кўчаларни ёпиқ холда кесиб ўтишни мутасадди ташкилотлар билан келишилсин. |
| Қўшимча талаблар | Қурилиш жараёнида ўрнатилган тартибда лойиҳа ташкилоти томонидан объектда муаллифлик назорати олиб бориш таъминлансин. |
| Архитектура режалаштириш топшириғига амал қилиш муддати | Ушбу архитектура-режалаштириш топшириғига амал қилиш муддати объект фойдаланишга топширилгунга қадар этиб белгиланади. |

Архитектура-режалаштириш
топшириғини тайёрлаган мутахассис: О.Болабеков

Актуаллик санаси:: 28.04.2020

Ер участкаси карточкаси
**№ B1727233-07030**

Ҳозирги холати: **Архитектура-режалаштириш топшириғи ишлаб чиқилмоқда**

| **Параметрлар** | **Маълумотлар** |
|---|---|
| Кадастр рақами: | 11:06:10:01:05:0795 |
| Яратилган сана: | 26.03.2020 17:42:46 |
| Киритилган сана: | 27.03.2020 11:04:28 |
| Ер фонди тоифаси: | аҳоли пунктларининг ерлари – шаҳарлар,шаҳарчалар, қишлоқ аҳоли пунктларининг, шунингдек боғдорчилик-узумчилик ширкатлари чегараси доирасидаги ерлар |
| Майдон (Га): | 0.0254 |
| Жойлашган манзил: | Дўстобод шаҳри Шодлик МФЙ |
| Қурилишга рухсат берилган объект турлари: | • Дўконлар, Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари |
| Қурилиш муддати: | 12 ой |
| Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларигача бўлган масофа (метр): | 100.00 |
| Маълумотни янгиланиш санаси:: | 26.04.2020 16:42:51 |

Чоп этди: ____________________ / УЛУҒБЕК АЧИЛОВ ХИКМАТИЛЛАЕВИЧ / 2020-04-28 14:29:42

Актуаллик санаси:: 28.04.2020 14:29:31

# Келишув варақаси

**B1727233-07030**

Ҳозирги ҳолати: **Архитектура-режалаштириш топшириғи ишлаб чиқилмоқда**

Келишув турлари: **Тадбиркорлик учун ер участкалари**

| **Ташкилот** | **Келишув натижаси** | **Сана** | **Изоҳ** |
|---|---|---|---|
| ГУП «Сувоқава» и его территориальные подразделения | Келишилган | 02.04.2020 11:58:57 | ок |
| АО «Худудгазтаъминот» и его территориальные подразделения | Келишилган | 02.04.2020 11:58:57 | Келишилди |
| Министерство по чрезвычайным ситуациям Республики Узбекистан | Келишилган | 02.04.2020 11:58:57 | Келишилди |
| АО «Региональные электрические сети» и его территориальные подразделения | Келишилган | 02.04.2020 11:58:57 | ок |
| АК «Узбектелеком» | Келишилган | 02.04.2020 11:58:57 | Тасдиқланди |
| Межрегиональные (региональные) государственные инспекции Главного научно-производственного управления по охране и использованию объектов культурного наследия Министерства культуры Республики Узбекистан | Келишилган | 16.04.2020 14:40:36 | Келишилди |
| Государственный комитет Республики Узбекистан по экологии и охране окружающей среды и его территориальные подразделения | Келишилган | 16.04.2020 14:40:36 | Келишилди |

Чоп этди: ____________________ / УЛУҒБЕК АЧИЛОВ ХИКМАТИЛЛАЕВИЧ / 2020-04-28 14:29:32



O'zbekiston Respublikasi
Madaniyat vazirligi
Madaniy meros departamenti

**TOSHKENT VILOYATI MADANIY MEROS BOSHQARMASI**

Toshkent sh., 100021, Shayxontoxur tumani, Navoiy ko'chasi, 46 tel. /fax +(99871)249-07-50

Министерство культуры
Республики Узбекистан
Департамент культурного наследия

**УПРАВЛЕНИЕ КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

г.Ташкент, 100021, Шайхонтохурский район, ул. Навои, 46, тел./факс +(99871)249-07-50

**№ 255 "24" апрел 2020 йил**

## ЗАКЛЮЧЕНИЕ

По определению наличия или отсутствия объектов культурного наследия на земельных участках выделяемых по «ЕР ЭЛЕКТРОН» АТТ по **Куйи чирчикскому** району Ташкентской области

| | |
|---|---|
| № земельного участка | **11:06:10:01:05:0795** |
| Местоположение | **Куйи чирчикский район,** |
| Общая площадь земельного участка | **0.0254 га** |

Для какой цели выделяется земельный участок
**«Магазины, бытовые услуги»**

По литературным источникам, архивным материалам, осмотру картографического материала, фотографий местности выявлено, что на данной территории объекты культурного наследия отсутствуют.

## ЗАКЛЮЧЕНИЕ

по археологическому исследованию земельного участка

1. Участок не имеет культурных археологических слоев, не является объектом культурного наследия ввиду отсутствия каких-либо культурных археологических слоев.
2. **Земельный участок может быть использован в соответствии с планами хокимията Куйи чирчикского района Ташкентской области**
3. В случае обнаружения каких-либо предметов археологии (керамика, стекло, металл и др.) немедленно остановить работы и информировать Управление культурного наследия Ташкентской области (тел. 249-07-50).

**Начальник отдела** **М.Исраилов**

Ижр: Ш.Шеримбетов
Тел: 71 249 07 50

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FAVQULODDA VAZIYATLAR VAZIRLIGI**
**TOSHKENT VILOYATI FAVQULODDA VAZIYATLAR BOSHQARMASI**
**QUYICHIRCHIQ TUMANI FAVQULODDA VAZIYATLAR BO'LIMI**

Quyichirchiq tumani Do`stobod shahri Mustaqillik ko`chasi 9-uy, 110901, tel 70-56-72-201

25/37- 183 «4» 04 2020 yil.

**Туман қурилиш бўлими бошлиғи**
**О.Хабибуллаевга**

***Сизнинг 2020 йил 2 апрель кунидаги***
***В1727233-07030-сонли хатингизга асосан***

Қуйичирчиқ тумани Ёнгин хавфсизлиги бўлими Қуйичирчиқ тумани Шодлик МФЙ худудида жойлашган туман захирасига карашли жами 0.0254 Га бўш ер майдонидан "Дуконлар, маиший хизмат курсатиш корхоналари"ни барпо этиш учун танланган ер майдони ва тақдим этилган хужжатларни ўрганиб чикиб, ер майдони Шимол томонидан-турар жой бинолари билан, Шарк томонидан-турар жой бинолари билан, Жануб томонидан-ички йўл ва турар жой бинолари, Гарб томонидан-турар жой бинолари билан чегараланганлигини, ер майдонида юкори кучланишли электр тармоклари ва юкори босимли газ кувурларининг мухофаза минтакаси жойлашмаганлигини хамда курилиши режалаштирилган "Дуконлар, маиший хизмат курсатиш корхоналари"ни барпо этиш билан қўшни бўлган худудда жойлашган бошка биноларгача уларнинг оловга бардошлилик даражасига караб ШНҚ 2.07.01-03*нинг 1-иловасига мувофиқ оралиқ масофаларга риоя килган холда мазкур ер майдонида "Дуконлар, маиший хизмат курсатиш корхоналари"ни барпо этиш учун ер ажратилишига эътироз билдирмайди.

Шунингдек, мазкур танланган ер майдонидан энг якин булган Куйичирчик тумани 21-КЁҚҚгача бўлган оралиқ масофа 14 км.ни ташкил этишини эътиборга олган холда мазкур худудда республикада амалда булган ШНҚ 2.07.01-03*нинг 109-бандига асосан ёнгин ўчириш депоси ташкил этишни максадга мувофик деб хисоблайман.

Юкоридагилар билан бир каторда мазкур масканга ишлаб чикилган лойиха хужжатлари ва ШНК-1.03.01-08нинг 5.9-бандига мувофиқ белгиланган тартибда Давлат экспертизасини хулосасини Қуйичирчик тумани Фавкулодда вазиятлар бўлимига ўрганиш учун тақдим этиш, шунингдек, курилиш ишлари бошланганидан сўнг камида икки маротаба Давлат ёнгин назорати ходимларини мазкур курилиш майдонида мониторинг ўтказишлари учун таклиф этиш талаб этилади.

Юкорида келтирилган талаблар тулик бажарилмаса мазкур хужжат ўз кучини йўкотади.

Маскур хулосани амал килиш муддати 1 йил

**Бўлим бошлиғи** **Р.З.Қодиров**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШҚАРМАСИ

ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ НАЗОРАТ БЎЙИЧА ҚУЙИ ЧИРЧИҚ ТУМАН ИНСПЕКЦИЯСИ

КУЙИ ЧИРЧИКСКАЯ РАЙОННАЯ ИНСПЕКЦИЯ ПО НАДЗОРУ В СФЕРЕ ЭКОЛОГИИ И ОХРАНЫ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ

*Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани, Дўстобод шаҳри, Муҳаммедкулов кўчаси, 230-уй.*
*E-mail: quyichirchiqeco@umail.uz*

«18» 04 2020 йил
№ 107

**№ В1727233-07030-рақамли**
**Ер участкаси карточкасига асосан.**

**М А Ъ Л У М О Т Н О М А**

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги 949-сонли қарори билан тасдиқланган "Давлат экологик экспертизаси тўғрисида"ги низом талабларига кўра Тошкент вилояти Қуйичирчиқ тумани "Шодлик" МФЙда жойлашган аукционга қўйилган умумий 0,0254 гектардан иборат ер майдонига **"Дўконлар, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари"** қурилишини лойиҳалаштиришга ҳамда ободонлаштириш ишлари олиб боришига, атроф-муҳитга ва фуқаролар соғлигига таъсир кўрсатувчи фаолият турига кирмаганлиги сабабли **давлат экологик экспертизаси хулосасини олиш талаб этилмайди.**

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорати бўйича Қуйичирчиқ тумани инспекцияси Сиздан, объектни қуришда ҳимоя майдони сақлаган ҳолда қурилишини амалга оширишингизни, мавжуд дов-дарахтларни белгиланган тартибда (рухсатнома олиб) кесилишини таъминлашингизни, фаолият мобайнида ҳосил бўладиган чиқиндиларни тури ва таркибига қараб алоҳида жойлаштиришингизни ҳамда ўз вақтида олиб чиқиб кетилишини таъминлашингизни, ҳосил бўладиган оқава сувлар учун гидроизоляция қилинган бетон ҳандак ташкил этишингизни сўрайди.

**Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича Қуйичирчиқ тумани инспекцияси бошлиғи:** **Н.Ерназаров**






| TOSHKENT VILOYATI ER TUZISH VA KO'CHMAS MULK KADASTORI DAVLAT KORXONASI QUYI CHIRCHIQ TUMAN FILIALI . | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| "E-IJRO AUKSION" | | | Ob'ekt : Yer uchastkasi<br>Quyi Chirchiq tumani , Do'stobod sh.,Shodlik MFY | | |
| Filial raxbari | | Sh.Israilov | Er uchastkaning topografik plani | Varoqlar soni | Varoq |
| | | | | 1 | 1 |
| TYERvaDKBB | | K.Abdullayev | | Masshtab: 1:500 | |
| | | | | 1mm=5m | |

"TOSHKENT SUV
TA'MINOTI" MCHJ
QUYI CHIRCIQ TUMAN
BO'LIMI

"TOSHKENT SUV
TAMINOTI" LLC
QUYI CHIRCIQ DISTRICT
BRANCH

"TOSHKENT SUV TA'MINOTI" MCHJ QUYI CHIRCHIQ TUMAN BO'LIMI

ATIB "Ipotekabank" Chirchiq filiali, P/c 20210000800101498001, ИНН 201577953, МФО 00478, ОКОНХ 90213
Toshkent viloyati Quyichirchiq tumani, Dostobod shahri Begimkulov ko'chasi 1 uy Тел: 56-72-312

«03» 04 2020 й

№ 70

## Маълумот

**Уникал рақами:** B1727233-07030
**Кадастр раками:** 11:06:10:01:05:0795
**Объект номи:** Шодлик МФЙ.
0.0254 га майдон.
Автомобил йулларигача булган масофа 100,0м.
*Дуконлар маиший хизмат курсатиш корхонаси* лойихалаш учун АРТ 1-2 кисм хужжатларни ишлаб чикиш ичимлик сув ва окава тармокларига улаш.

**Ичимлик суви таъминоти бўйича:**

а) Курсатилган манзилда марказлашган сув тармоги мавжуд.
б) Мавжуд д-100мм сув кувурига д-25мм ПЭ сув кувури билан улансин. д-25мм 1 дона сув хисоблагич, д-25мм 1 дона жумрак урнатилсин.
В) Меъерий суткасига 1,8м3

**Оқова хизмати бўйича:**

Туман ДСЭНМи ва Табиатни мухофаза қилиш қўмитаси билан келишган холда 3х4 хандак казилсин.

## АЛОХИДА ШАРТЛАР

1. Ер ишлари йўл хўжалиги, алоқа бўлими, газ таъминоти, электр таъминоти идораларидан зарурий хужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг оширилиши шарт.
2. Техшик шарт белгиланган кундан бошлаб бир йил муддат ичида амал қилади.

**ИЧ ТБ мухандиси** **Х.Азимов**

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
«TOSHKENT XUDUDIY
ELEKTR TARMOQLARI»
AKCIONERLIK JAMIYATI
QUYICHIRCHIQ TUMAN ELEKTR
TA`MINOT KORXONASI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ОТКРЫТОЕ АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО
«TOSHKENT XUDUDIY
ELEKTR TARMOQLARI»
КУЙИЧИРЧИКСКОЕ РАЙОННОЕ
ЭЛЕКТРОСНАБЖАЮЩЕЕ
ПРЕДПРИЯТИЕ

Toshkent viloyati Quyi-Chirchiq tumani Muxammedkulov kuchasi 1 uy
Tel: (370) 56-72-941 Faks: 56-72-311 *e-mail: quyichirchiq-tetk@umail.uz*

**7 Апрел 2020 йил** **№ 95** **дустобод ш**

**Лот № B-1727233-07030**

Куйи Чирчик тумани Дустобод ш Шодлик МФЙ худудида жойлашган 0.0254 га ер майдони АПЗ килиш максадида куздан кечирилди, туман электр тармоклари корхонасининг хаво тармоклари ва электр ускуналарига халакт бермайди .

**Куйи Чирчик ТЭТК бошлиги** **Э.Ж.Мухаммедов**

O'ZBEKTELEKOM AKSIYADORLIK KOMPANIYASI
АКЦИОНЕРНАЯ КОМПАНИЯ УЗБЕКТЕЛЕКОМ
UZTELECOM
TOSHKENT FILIALI
DO'STOBOD TELECOMMUNIKATSIYALAR BOG'LAMASI

110900, Do'stobod shahri, Chunboboyev ko'chasi, 2a uy. Tel: (8-370) 567 25 45. Faks: (8-370) 567 35 05. E-mail: [illegible]
110900, город Дустабад, ул. Акунбабаева, дом 2а Тел: (8-370) 567 25 45. Факс: (8-370) 567 35 05, E-mail: [illegible]

**48-38- /65**
**«11» «04» 2020 йил**

**Тошкент вилояти**
**Ер тузиш ва кўчмас**
**мулк кадастр ДК**
**Қуйичирчиқ тумани**
**филиали рахбари**
**Ш.Исраиловга**

Қуйичирчиқ туманидаги Ер аукционига
қўйилган объектлар ва ер майдонлари бўйича;

Тошкент вилояти Қуйичирчиқ тумани худудидаги Ер аукционига қўйилган № B1727233-07030 Дўстобод шахри Шодлик МФЙ худудида жойлашган бўш ер участкасидан иборат 0,0254 квадрат ер майдони худудидан АК "Ўзбектелеком" Тошкент филиали Дўстобод телекоммуникация боғламасига карашли алока кабеллари ўтмаганлини маълум киламиз.

Бундан ташкари юкорида кўрсатилган объектларни махаллий телекоммуникация тармокларига улаш учун, мулк эгасининг сўривига асосан техник шарт тақдим этилиши ва техник шартларга розилиги асосида лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқилишини маълум қиламиз.

**Хурмат билан,**
**Дўстобод ТБ бошлиғи:** **Б.Абдираимов**

ижрочи
Ж.Мазитов
Тел: 5672391

**"Худудгаз Тошкент" МЧЖ**

## (АРТ х ужжатлари учун)

**ТЕХНИК ШАРТ №** 247 **«** 02 **»** 04 **2020 йил.**

1. Ер участкаси карточка раками № 01727233-07 030, Майдони: 0,0254 (Га),
2. Манзили: Куйичирчик тумани Дустобод махалласи Шодлик кўчаси,;
3. Газ қувурига бирламчи уланиш жойи харакатдаги ер ости/ер усти, _______ босимли газ тармоғига бўлган масофа 120,0 п/м, D= 57 mm; (***ўрнатилиши режалаштирилаётган газ жихозларига талаб этиладиган газ хажмидан келиб чиқиб, таъминловчи газ қувури ўзгариши мумкин.)***
4. **Лойиҳалаштириш ва газлаштириш ишлари буюртмачи маблағи ҳисобидан амалга оширилади.**
5. Лойиҳалаш ишлари махсус рухсатномага эга бўлган ваколатли лойиҳалаш корхоналари томонидан амалдаги ШНК талаблари доирасида ишлаб чиқилиши, шунингдек мавжуд истеъмолчилар ва истиқболни инобатга олиши шарт.
6. **Лойиҳада қуйидаги шартлар бажарилсин**:
   а. **"Ўзстандарт" Агентлиги электрон манзилининг ўлчов воситалари давлат реестрига киритилган ва яшил ранг билан белгиланган ўлчов воситасини ўрнатиш;**
   б. **замонавий сертификатланган энергиятежамкор ва фойдали иш қуввати юқори бўлган газ жиҳозлар ва ёндиргичларни ўрнатиш;**
   в. **газ жиҳоз ўрнатиладиган хонада газосигнализатор ускунасини ўрнатиш;**
   г. **табиий газ 2-босқичли тизимда етказиб берилиши кўзда тутилсин(кўп қаватли уйлар бундан мустасно);**
   д. **электрокимёвий ёки протектор қурилма ўрнатиш (ер ости газ қувури қурилган бўлса);**
   е. **ҳисоблагич истеъмолчи иншоотининг кўча деворидаги газ қувур кириш қисмида химояқути (шкаф)га ўрнатилсин (кўп қаватли уйлар бундан мустасно);**
7. Техник шартга мувофиқ ишлаб чиқилганлойиҳа, лойиҳалаш корхонаси томонидан "Худудгаз Тошкент" МЧЖда рўйхатдан ўтказилиши шарт.
8. Газлаштириш техник шартларининг амал қилиш муддати улар берилган кундан бошлаб 2 йилни ташкил қилади. Белгиланган муддат ўтгач, агар истеъмолчи газлаштиришни тугатмаган бўлса, газлаштириш учун янги техник шарт шартлар олиниши лозим.
9. Техник шарт Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон ва 2018 йил 31 мартдаги 256-сон хамда 2019 йил 16 мартдаги 226-сонли қарорлари талаблари доирасида ишлаб чиқилди.

**Эслатма: Табиий газ билан газлаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш учун техник шарт олишга Ўз.Рес. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги 256-сонли қарорига асосан белгиланган тартибда мурожаат этиш шарт.**

**Бош мухандис** **М.С. Абидов**

**"ГҚКФНҚ" бўлими бошлиғи** **М.М.Мирхомидов**

**Объект жойлашуви ва муҳандислик коммуникацияларига уланиш**
**СХЕМАСИ**




Сканировано с CamScanner

## АРХИТЕКТУРА-РЕЖАЛАШТИРИШ ТОПШИРИҒИНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ:

Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш гурух рахбари — вакант

Архитектура-режалаштириш топшириғини тайёрлаган мутахассис: — О.Болабеков